

Ёзувчи Саъдулла Сиёев 1939 йил 25 мартда Козогистонинг Туркистон шаҳри яқинидаги Карнок кишлоғида дехкон оиласида туғилди. 1946—1956 йилларда Карнокдаги ўрта мактабда, 1957—1962 йилларда Тошкент Давлат дорилфунунида ўқиди. Ўқишни муваффақиятли тамомлаган С. Сиёев дастлаб Тошкент радиосида, кейинчалик республика вақтли матбуоти, «Муштум» сатирик ойномасида ишлади. Хозирги кунда у Ўзбекистон уюшмаси Адабиёт жамғармаси бошқонидир.

Саъдулла Сиёев ижоди шеър ёзишдан бошланади. Унинг дастлабки шеъри 1956 йилда «Кизил Ўзбекистон» рўзномасида босилади. С.Сиёев шеърлар билан бир каторда «Киз боланинг панди» (1963), «Минг бир килик» (1964), «Чархпалак» (1965), «Уйимизга мехмон келди» (1966) каби хикоялари ҳам эълон қилинди. Шу хикояларида бугунги кишлоқларимиз хаёти, ёшлар севгиси яхшилик ва мурувват каби инсоний туйғулар улугланади, Ёзувчининг биринчи хикоялар тўплами — «Касам ичмаган йигит» 1970 йилда чоп этилди. Бу тўпلامга унинг лирик ва хажвий-юмористик хикоялари киритилгандир. Шундан сўнг С. Сиёевнинг «Садаганг кетай» (1972), «Тўйлар муборак» (1975), «Ой бориб, омон кеелинг» (1976), «Оғир вазнли жанжалкаш», «Еркақлар учун эртақлар» каби хикоялар тўпلامлари босмадан чиқди. Уларда ёзувчи замондошларимизнинг меҳнат фаолиятини, характери ва инсоний хистуйғуларини ардоқлайди.

Кейинги йилларда унинг кисса ва хикоялардан иборат «Ёруглик» (1986), «Бепарво бўлмокчиман» (1990) китоблари ҳамда «Аваз» (1987) романи ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилди. Унинг энг сўнгги «Мажнунтолнинг новдаси» (1989) номли хикоя ва киссалари Ҳамза номидаги мукофотга тавсия этилди. Рус тилида ҳам унинг «Снег на голову» (1988), «Сказки для мужчин» (1989) каби тўпلامлари чоп этилди. Хозирги кунда адабнинг «Туркистонлик авлиё» номли тарихий романи чоп этилмоқда. Унда улкан бобокалонимиз Аҳмад Яссавий хақида хикоя қилинади.

С.Сиёев хикоялари рус, козок, қирғиз, тожик тилларига таржима қилингандир. Айни чоғда у Михаил Зошченко, Леонид Ленч, Арк. Арканов, Г. Горин каби ёзувчиларнинг кўплаб хикояларини ўзбек тилига таржима қилган.